

ШАРТНОМА № 31

Андижон шаҳри

2022-йил “05” январь

Андижон вилоят эндокринология диспансери номидан Низом асосида фаолият юритувчи бош шифокори З.Э.Хатамов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва “Мадад 2020” Хусусий корхонаси номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи раҳбари К.Рахматуллаев (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик томонлар деб аталади, ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

I Шартнома предмети

1.1 Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар хар куни Буюртмачини мижозларнинг овқат тайёрлаш хизматини ҳамда Ўзбекистан Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3 Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил “ 01 ” 01 дан.

2022 йил “ 31 ” 01 гача.

1.4 Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб, Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг кўрсатилган хизматлар бажарилган ҳисобланади.

II Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1 Аутсорсер куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1 Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2 Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3 Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш ва қўшимча киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4 Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5 Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6 Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7 Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2 Аутсорсер қўйидагиларга мажбур:

2.2.1 Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини коплаши;

2.2.2 Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3 Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4 Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5 Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6 Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7 Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун муддат ичида бепул тўғрилаши;

2.2.8 Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқданганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9 Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10 Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11 Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12 Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13 Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14 Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15 Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16 Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3 Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1 Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2 Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3 Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг кийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4 Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4 Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1 Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2 Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3 Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1 Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **79920000 сўм** (Етмиш тўққиз миллион тўққиз юз йигирма минг) сўмни ташкил этади.

3.2 Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги киймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

2.3 Кўрсатиладиган хизматлар ҳисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан, 70 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб ҳар 10 кунда, якуний ҳисоб-китоб эса кейинги ойнинг 5-санасига қадар амалга оширилади.

2.4 Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ; бўлмаган миқдорда тўланади.

2.5 Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

IV Томонларнинг мажбуриятлари

4.1 Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажариш ҳолатларида, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2 Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан овоз олмайдди.

4.3 Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4 Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5 Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1 Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2 Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI Форс-мажор ҳолатлар

6.1 Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан овоз қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII Яқунловчи қоидалар

7.1 Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақатулар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг вақолатли

вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2 Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1 Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

IX Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

“Аутсорсер”

“Буюртмачи”

«MADAD 2020» X.K.
ANDIJON TUMANI, OG'ULLIQ M.F.Y., TURMUSHOBOD 68
H/R: 20208000205166278001
«INFINBANK» ATB ANDIJON VIL. FILIALI
MFO: 01114 STIR: 307052627

ANDIJON VILOYAT ENDOKRINOLOGIYA DISPANSERI
ANDIJON SHAHAR, MAYBOXCHA KO'CHA 59 - UY
X/R: 1000 21860034014043201054005
STIR 203325379 XXTUT 91513
O'ZBEKISTON RESP. HOKIYA VAZIRLIGI B'AZNACHILIGI
X/R: 23402000300100001010
MARRAZIY BANK TOSHKENT SR., BOSH BOSHQARMASI XKKM
MFO 00014 STIR. 201122819



К.Рахматуллаев

Бош шифокор:

З.Э.Хатамов

Юрист:

А.Мансуров

Шартноманинг прогноз суммаси

т/р	ойлар	ойдаги кунлар сони	ўлчов бирлиги	хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	хизмат бирлик-лари сони	жами суммас ҚҚС сиз (сўм)	ҚҚС %	Жами сумма ҚҚС билан
1	Январ	31	хизмат кўрсатиш	22200	3600	79920000		
2	Феврал							
3	Март							
4	Апрел							
5	Май							
6	Июн							
7	Июл							
8	Август							
9	Сентябр							
10	Октябр							
11	Ноябр							
12	Декабр							
Шартноманинг жами суммаси		31		22200	3600	79920000		

Андижон вилоят эндокринология диспансери

бош шифокори: 3.Э.Хатамов



"Мадад 2020" Х/К

раҳбар

К.Рахматуллаев

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»

Вилоят эндокринология диспансери
бош шифокори:  З.Э.Хатамов



2022-йил 5-январ

Андижон шахри

Вилоят эндокринология диспансерида беморларга озик-овкатлар тайёрлаш Аутсорсинг хизмати бўйича таъминотчи ташкилотни аниқлаш бўйича танлов комиссиясининг

ЙИГИЛИШ БАЁННОМАСИ.

Кун тартибида:

1. Диспансернинг даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари И.Иброхимовнинг диспансерда даволанаётган беморларни сифатли парhez таомлар билан узлуксиз таъминланиши тўғрисидаги ахбороти.
2. 2022-йил 1-январдан бошлаб давлат харидларини амалга ошириш бўйича янги тизим ишга тушганлиги, мавжуд муаммолар сабабли озик-овкат аутсорсер корхонани аниқлаш.

Вилоят эндокринология диспансерининг даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари И.Иброхимов диспансерда даволанаётган беморларни сифатли ва арзон иссиқ овкат билан узлуксиз таъминлаш зарурати тўғрисида ўз фикрини билдирди.

Танлов комиссия аъзоларидан бош ҳисобчи И.Ходжаев 2022-йил 1-январдан давлат харидларини амалга ошириш бўйича янги тизим ишга тушганлиги, тизим ҳали тўлиқ ишламаётганлиги сабабли 2022-йил учун иссиқ овкат билан таъминлаш бўйича аутсорсер корхонани аниқлашнинг имкони бўлмаганлигини билдирди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, танлов комиссияси

Қарор қилади:

1. Диспансерда даволанаётган беморларни узлуксиз иссиқ овкат билан таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 10-январдаги 16-сон қарори 3-боб Аутсорсерни танлаш, шартнома тузиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби 11 бандига асосан Аутсорсинг хизматини кўрсатиш бўйича шартнома буюртмачи ва аутсорсер ўртасида календарь йил учун аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича намунавий шартномага мувофиқ икки нусхада тузилади. Бунда, аутсорсер томонидан шартнома шартларининг тўлиқ бажарилиши ва буюртмачининг харажатлар сметасида ажратилган маблағ аутсорсерни қониқтирган тақдирда, томонларнинг келишувига кўра шартнома муддати навбатдаги календарь йил учун узайтирилиши мумкинлигини инобатга олиб ҳозирда диспансерда аутсорсинг бўйича хизмат кўрсатиб келган “Мадад-2020” хусусий корхонасига хизмат бўйича эътирозлар бўлмаганлиги, киритган инвестицияларини ҳисобга олиб 2022-йил учун шартнома тузилиши бўйича тавсия берилсин.

Розилар: 5 та
Қаршилар: йўқ
Бетарафлар: йўқ

Танлов комиссия аъзолари:

Бош шифокор ўринбосари,
комиссия раиси:



И.Иброхимов

КУК раиси:



Х.Мамажонов

Хўжалик мудир:



Н.Кичиков

Бош ҳисобчи:



И.Ходжаев

Бош ҳамшира:



Ф.Таштемирова